



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 10 июндаги 265–сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентинининг 2022 йил 6 июндаги “Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарорига асосан, Қува тумани Турк МФЙ ҳудудида ташкил этилаётган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қуйдаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Қува тумани Турк МФЙ ҳудудида ташкил этилаётган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасини 94,4 м³/сутка ичимлик сув билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси:** Турк МФЙ ҳудудидаги Турк-2 кичик саноат зонасига тортилиши режалаштирилган ичимлик сув қувуридан лойиха асосида қувур диаметри ва ер сатҳи чуқурлиги аниқланиб замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиниши ҳамда ичимлик сув иншооти ҳудуди ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ўралиши, видеокузатув ва ёритиш тизимлари қуриш шарт.

Оқава сув бўйича

Қува тумани Турк МФЙ ҳудудида ташкил этилаётган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасини марказий оқава сув тармоғига улаш учун **уланиш нуқтаси:** Ҳудудда жамиятимизга қарашли оқава сув тармоғи мавжуд бўлмаганлиги сабабли СЭО ва ЖС билан келишилган холда лойиха асосида Турк МФЙ ҳудудидаги Турк-2 кичик саноат зонасига қурилиши режалаштирилган локал оқава сув тозалаш иншооти (ЛОС)га лойиха асосида улаш ишлари ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга ошириш шарт.

Ичимлик ва оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда амалга оширилиши ва

давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва I(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ

Бosh муҳандиси:

И.Абдуллаев

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ

ИЧБ бошлиғи:

С.Абдуллаев

